



2020 yil « 14 » Март № 191-К

Jomboy t.

Исакулова Мухаббатга интенсив
боғдорчиликга ихтисослашган фермер
хўжалиги ташкил этиш учун ижарага ер
ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосан Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига асосан талабгорлар Исакулова Мухаббат ва Маҳмудов Мусинбеклар уртасида утқазилган танлов якунлари ҳужжатларини ҳамда Самарқанд шаҳри Бухорий кишлоғи Истиклол кўчаси 53-уйда яшовчи фуқаро Исакулова Мухаббатнинг интенсив боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарага ер ажратиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасига, Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига асосан фуқаро Исакулова Мухаббатга интенсив боғдорчилик ихтисослиги бўйича фермер хўжалик ташкил этиш учун туман ҳокимлиги ихтиёридаги М.Бозоров массивида жойлашган 27к, 41-контурлардаги жами 19,3 гектар, шундан лалми 8,7 гектар, яйлов 10,4 гектар, йўллар 0,2 гектар ер майдонлари 49 (қирк тукқиз) йил муддатга ижарага ажратилсин.

2. Жомбой туман «Давлат хизматлари» маркази директори (Р.Раҳматов)га белгиланган тартибда фермер хўжалиги Низомини рўйхатга олиш ва бу ҳақда тегишли ташкилотларга расмий маълумот бериш топширилсин.

3. Фермер хўжалиги бошлиғига ижарага берилган ер майдони бўйича ҳамда ишлаб чиқарилган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғрисида ҳисобот туман статистика бўлимига ҳамда тегишли ташкилотларга бериб бориш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган фермер хўжалигига ер ажратиш бериш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиб бориш вазифаси топширилсин.

5. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Азаматов)га фермер хўжалигини бюджет билан бўладиган муомаласини белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солиқ ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

6. Фермер хўжалиги бошлиғига ўз муддатларида белгиланган (моддий техника базасини яхшилаш) устав жамғармасини шакллантириш вазифаси топширилсин.

7. Туман ҳокимининг уринбосари А.Облақуловга, туман кишлоқ хўжалиги бўлими (А.Турапев)га фермер хўжалигига ажратилган ер майдонларида 2020 йил ҳосили учун тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари сўммаси турлари бўйича тақсимлаш, «Жомбой дон маҳсулотлари» АЖ билан ғалла топшириш шартномасини расмийлаштириш ва давлатга ғалла топширилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 6-бандига асосан белгилангандан бошқа мақсадларда (ноқонуний хар қандай қурилишлар қурилганда) фойдаланилганда ва 7-бандига асосан ер участкасининг ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлганда ушбу қарор ўз кучини йўқотиши ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор бўлиши ва давлатга келтирилган зарар ердан фойдаланувчидан ўндирилиши ва ноқонуний қурилган хар қандай қурилиш фермер хўжалигининг раиси томонидан бекор қилиниб бартараф этилиши тўғрисида фермер хўжалиги раиси Исакулова Мухаббат ушбу қарор билан эътиборланган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг уринбосари А.Облақулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ҳ.Туйчиев



Жомбой туман ҳокимлигининг ер участкаларини бериш (реализация қилиш)
масалалари билан доимий шуғулланувчи комиссиясининг
Б А Ё Н И

2020 йил « _____ » _____

Жомбой тумани

Туман ҳокими томонидан комиссия йиғилишида Жомбой тумани М.Бозоров массивидаги туман захирасидан 27к, 41-контурлардаги жами 19,3 гектар, шундан лалми 8,7 гектар, яйлов 10,4 гектар, йўллар 0,2 гектардан ер майдонларида фермер хўжалик ташкил этиш ёки мавжуд фермер хўжаликларига қўшимча равишда қўшиб олиш учун танлов ўтказилди, танловда иккита фуқаро яъни Исакулова Муҳаббат ва Маҳмудов Мусинбеклар талабгор сифатида ҳужжатлари билан катнашди.

1. Такдим этилган ҳужжатлар ва талабгорларни фикр мулоҳазалари юзасидан комиссия томонидан биринчи талабгор Исакулова Муҳаббат такдим этган ҳужжатлари билан рақиби Маҳмудов Мусинбек томонидан такдим этган ҳужжатларига нисбатан мазкур ҳулосага илова қилинган ҳужжатларга асосан юқори балл тўплаб танлов ғолиби деб ҳисобланди.

2. Комиссия, талабгор Исакулова Муҳаббатнинг «туман захирасидан 27к, 41-контурлардаги жами 19,3 гектар, шундан лалми 8,7 гектар, яйлов 10,4 гектар, йўллар 0,2 гектар ер майдонини фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарага ажратиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантиришни ва танлов натижасига асосан М.Бозоров массивидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонларидан 27к, 41-контурлардаги жами 19,3 гектар, шундан лалми 8,7 гектар, яйлов 10,4 гектар, йўллар 0,2 гектар ер майдонини интенсив боғдорчиликга ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун 49 йил муддатга ижарага ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

3. Комиссиянинг мазкур танлов ҳужжатлари ва ҳулосасини куриб чиқиш Ҳалқ депутатлари Жомбой туман кенгашига ҳужжатлар юборилсин ва тасдиқлаб бериш суралсин.

Тендер ҳужжатлари илова қилинади.

Комиссия раиси:

Комиссия котиби:

Туман ҳокимининг уринбосари:

Туман ҳокимининг уринбосари:

Комиссия аъзолари:

Х.Туйчиев

Ж.Турсунов

М.Исмоилов

А.Облакулов

А.Тураев

Б.Тураев

С.Эргашев

А.Ризаев

И.Рашидов

З.Сафаров

И.Асроров

А.Юсупов